



THE EXPERIENCE OF SELECT FOREIGN COUNTRIES IN PREVENTING HUMAN TRAFFICKING

Urinov Odilbek Laziz ugli

Operational Search Department, Ministry of Internal Affairs of the
Republic of Uzbekistan

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21553748>

ARTICLE INFO

Received: 14th July 2026

Accepted: 24th July 2026

Online: 25th July 2026

KEYWORDS

Human trafficking,
effective prevention
mechanisms,
victimological immunity,
criminalization of
demand, corporate
prevention (compliance
control), social
partnership, migration
and criminological
control.

ABSTRACT

This article provides a comparative legal analysis of the experiences of advanced foreign countries (USA, Germany, UK, France, Sweden, Japan, and CIS countries) to improve effective mechanisms for preventing and combating human trafficking, which is one of the most dangerous forms of transnational organized crime. Based on the research, the author proposes innovative solutions for implementation into national legislation, including the introduction of the "T-Visa" institution (special protection status), the criminalization of demand alongside the decriminalization of the victim (victimological immunity), the establishment of mandatory compliance control in large corporate supply chains, and the strengthening of social partnerships with non-governmental organizations for victim rehabilitation.

ОПЫТ НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВ В ПРЕДУПРЕЖДЕНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ ПО ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

Уринов Одилбек Лазиз угли

Департамент оперативного розыска

Министерства внутренних дел Республики Узбекистан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.21553748>

ARTICLE INFO

Received: 14th July 2026

Accepted: 24th July 2026

Online: 25th July 2026

KEYWORDS

Торговля людьми,
эффективные
механизмы
предупреждения,
виктимологический
иммунитет,
криминализация
спроса,
корпоративная
превенция (комплаенс-)

ABSTRACT

В данной статье на основе сравнительно-правового анализа передового опыта зарубежных стран (США, Германия, Великобритания, Франция, Швеция, Япония и страны СНГ) рассматриваются вопросы совершенствования эффективных механизмов предупреждения и борьбы с торговлей людьми как одним из наиболее опасных проявлений транснациональной организованной преступности. По результатам исследования выдвинуты инновационные предложения для внедрения в национальное законодательство, включающие в себя введение института «T-Visa» (специальный статус защиты), криминализацию спроса и декриминализацию жертвы (виктимологический иммунитет), установление



контроль), социальное
партнерство,
миграционно-
криминологический
контроль.

обязательного комплаенс-контроля в крупных
коммерческих компаниях, а также усиление
социального партнерства с неправительственными
организациями в сфере реабилитации.

ОДАМ САВДОСИ ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДАГИ АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Ўринов Одилбек Лазиз ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тезкор қидирув департаменти
<https://doi.org/10.5281/zenodo.21553748>

ARTICLE INFO

Received: 14th July 2026
Accepted: 24th July 2026
Online: 25th July 2026

KEYWORDS

Одам савдоси, олдини
олишнинг самарали
механизмлари,
виктимологик
иммунитет, талабни
криминализация
қилиш, корпоратив
превенция (комплаенс-
назорат), ижтимоий
шериклик, миграцион-
криминологик
назорат.

ABSTRACT

Мазкур мақолада транснационал уюшган
жиноятчиликнинг энг хавфли кўринишларидан бири
бўлган одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини
олишнинг самарали механизмларини
такомиллаштириш масалалари илғор хорижий
давлатлар (АҚШ, Германия, Буюк Британия, Франция,
Швеция, Япония ва МДХ мамлакатлари) тажрибаси
асосида қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Тадқиқот
натижасида миллий қонунчиликка “T-Visa”
институтини (махсус ҳимоя мақоми) жорий этиш,
жиноятнинг иқтисодий негизи бўлган талабни
криминализация қилиш ва жабрланувчини
декриминализация қилиш (виктимологик иммунитет),
йирик тижорат компанияларида мажбурий
комплаенс-назорат ўрнатиш ҳамда нодавлат
нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий
шерикликни кучайтириш каби инновацион таклифлар
илгари сурилган.

Транснационал уюшган
жиноятчиликнинг энг хавфли
кўринишларидан бири бўлган одам
савдосига қарши курашда фақатгина
миллий қонунчилик доирасида
чекланиб қолиш кутилган натижани
бермайди. Глобал таҳдидларга қарши
кураш стратегиясини ишлаб чиқиш
мақсадида дунёнинг илғор
давлатлари тажрибасини, уларнинг
жиноят қонунчилигини ва
профилактик институтларини

қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш муҳим
илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мазкур жараённинг назарий
пойдеворини миллий олимларимиз
М.Ҳ. Рустамбоевнинг таъкидлашича,
хорижий тажрибани ўрганишдан
мақсад уларни кўр-кўрона кўчириб
олиш эмас, балки миллий ҳуқуқ
тизимининг ўзига хос
хусусиятларини инобатга олган
ҳолда, илғор институтларни рецепция
ва имплементация қилишдан



иборатдир¹. Ушбу фикрни ривожлантирган ҳолда, академик А.Х. Саидов инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро стандартларини миллий қонунчиликка сингдиришда айнан АҚШ ва Европа Иттифоқи давлатларининг одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш моделларини ўрганиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди². Шундан келиб чиқиб, ушбу параграфда биз одам савдосига қарши курашда энг муваффақиятли ва инновацион механизмларни яратган давлатларнинг (*АҚШ, Германия, Буюк Британия, Швеция ва бошқалар*) қонунчилик ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётини чуқур таҳлил қиламиз.

АҚШ тажрибаси. Одам савдосини олдини олишда дунёдаги энг йирик ва тизимли механизмлардан бири Америка Қўшма Штатларида яратилган. АҚШ тажрибасини тадқиқ қилган рус олимаси Н.Е. Крылова ўзининг “Замонавий хорижий мамлакатлар жиноят ҳуқуқи” асарида АҚШ қонунчилигининг ўзига хос хусусияти сифатида унинг экстерриториаллигини (*яъни, АҚШ фуқароларига ёки манфаатларига дахлдор жиноятларни дунёнинг исталган нуқтасида таъқиб қилиш ваколатини*) кўрсатади³.

АҚШда одам савдосига қарши курашнинг базавий қонуни – 2000 йилда қабул қилинган “Одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Акт ҳисобланади. Ушбу қонун доирасида АҚШ ҳукумати дунё амалиётида биринчи бўлиб машҳур “3Р” парадигмасини (Prevention – Олдини олиш, Protection – Ҳимоя қилиш, Prosecution – Жиноий таъқиб) жорий этди. Бу борада россиялик тадқиқотчи М.Ю. Буряк ўзининг диссертация ишида АҚШнинг жиноят-ҳуқуқий моделини баҳолаётган экан, америкалик қонун чиқарувчилар одам савдоси учун ўта қаттиқ (бир умрлик қамоқ жазосигача бўлган) санкцияларни белгилаш билан биргаликда, асосий эътиборни профилактика ва жабрланувчиларни рағбатлантиришга қаратганлигини алоҳида таъкидлайди⁴. Масалан, АҚШ қонунчилиги тергов билан ҳамкорлик қилган ва жиноятчиларни фош этишга ёрдам берган жабрдийдаларга махсус “**T-Visa**” бериш орқали уларни депортациядан асраб қолиш ва АҚШда қонуний яшаш ҳуқуқини тақдим этиш механизми яратилган.

Одам савдосига қарши курашда АҚШнинг энг кучли олдини олиш қуроли эса бу – АҚШ Давлат департаменти томонидан ҳар йили эълон қилинадиган “Trafficking in Persons Report” (TIP Report) глобал

¹ Рустамбоев М.Х., ва бошқ. Хорижий мамлакатлар жиноят ҳуқуқи. – Т.: ТДЮУ, 2018. – Б. 14-16.

² Саидов А.Х. Халқаро ҳуқуқ. Дарслик. – Т.: Адолат, 2001. – Б. 210-214.

³ Крылова Н.Е. Уголовное право современных зарубежных стран. – М.: Зерцало, 2020. – С. 145-149.

⁴ Буряк М.Ю. Торговля людьми и борьба с ней (криминологические и уголовно-правовые аспекты). Дисс. ... канд. юрид. наук. – Владивосток, 2005. – С. 112-115.



ҳисоботидир. Ушбу механизм орқали АҚШ нафақат ўз ичидаги, балки дунёнинг 180 дан ортиқ давлати ҳукуматларининг одам савдосига қарши курашдаги фаолиятини баҳолайди. Ҳисоботда давлатлар “Tier 1” (энг яхши), “Tier 2” (ўртача) ва “Tier 3” (энг ёмон) тоифаларига ажратилади. “Tier 3” рўйхатига тушган давлатларга нисбатан АҚШ томонидан халқаро молиявий ёрдамларни тўхтатиш ва иқтисодий санкциялар қўллаш механизми ишлайди⁵. Бу эса одам савдосининг олдини олиш масаласини шунчаки миллий ҳуқуқ-тартибот муаммосидан глобал геосиёсий ва макроиқтисодий даражага кўтарган.

АҚШ ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг яна бир муҳим инновацияси сифатида “Task Force” (Махсус мақсадли тезкор гуруҳлар) институти эътироф этиш мумкин. АҚШда одам савдосини фош этиш билан битта орган эмас, балки Федерал қидирув бюроси (ФБР), Иммиграция ва божхона назорати (ICE) ҳамда Меҳнат департаменти инспекторларидан иборат бирлашган махсус гуруҳлар шуғулланади. Бу эса жиноятнинг ҳам чегара бузилиши, ҳам молиявий жиноят, ҳам меҳнат қонунчилигини бузиш элементларини бир вақтнинг ўзида комплекс тергов қилиш имконини беради.

Германия Федератив Республикаси тажрибаси. Одам

савдосининг олдини олиш борасида Европа Иттифоқида ўзига хос «локомотив» вазифасини ўтовчи Германиянинг криминологик сиёсати жиноятга қарши курашда соф жазоловчи моделдан воз кечиб, асосий эътиборни “талабни криминализация қилиш” (demand reduction) ва “виктимологик шериклик” концепцияларига қаратганлиги билан ажралиб туради.

Германия Федерал жиноят ишлари идорасининг одам савдоси детерминантларига бағишланган йиллик криминологик ҳисоботлари (Bundeslagebild) таҳлили шуни кўрсатадики, одам савдоси транснационал бозор қонуниятларига бўйсунди: таклифни (одам савдогарларини) йўқ қилиш учун, биринчи навбатда ушбу “хизматларга” бўлган иқтисодий ва ижтимоий талабни баргараф этиш лозим⁶.

Шу мақсадда, Германиянинг превентив сиёсатидаги энг илғор ва криминологик жиҳатдан муҳим институционал қадам сифатида “мижознинг (истеъмолчининг) жинойий жавобгарлиги” нормасининг қонунчиликка (StGB 232a-моддаси) киритилишини кўрсатиш мумкин. Ушбу профилактик механизмнинг моҳияти шундаки, жиноят занжирини узиш учун фақатгина ёлловчи ва қўшмачини қамаш етарли эмас. Агар оддий фуқаро (мижоз) шахснинг одам савдоси жабрдийдаи эканлигини,

⁵ U.S. Department of State. Trafficking in Persons Report (TIP Report). – Washington D.C., 2023. – P. 12-18.

⁶ Bundeskriminalamt (БКА). Bundeslagebild Menschenhandel und

Ausbeutung 2022. – Wiesbaden: БКА, 2023. – S. 12-14. (Изоҳ: БКА – Германиянинг Федерал жиноят ишлари идорасининг расмий йиллик ҳисоботи).



унинг шахсий озодлиги чекланган ҳолда мажбурий ушлаб турилганлигини била туриб (ёки асосли гумон қила туриб), унинг шахвоний ёки меҳнат хизматларидан фойдаланса, у ҳам жиноят иштирокчиси сифатида жавобгарликка тортилади⁷. Бундай виктимологик ёндашув одам савдоси жиноятининг иқтисодий негизи бўлган “талаб бозорини” кескин камайтиришга хизмат қилмоқда.

Германия тажрибасининг иккинчи ўта муҳим криминологик хусусияти — бу потенциал жабрланувчиларни барвақт аниқлаш ва ҳимоя қилишда идоралараро марказлаштирилган ижтимоий шериклик тизимининг мавжудлигидир. Бу борада Германияда давлат ва фуқаролик жамияти институтларини бирлаштирувчи ноёб тармоқ — «КОК» (Одам савдосига қарши курашувчи ташкилотларнинг умуммиллий мувофиқлаштирувчи кенгаши) муваффақиятли фаолият юритмоқда. Мазкур нодавлат институт ўз атрофида 40 дан ортиқ ихтисослаштирилган маслаҳат марказларини бирлаштирган бўлиб, уларнинг асосий вазифаси жиноят содир этилгандан сўнг тергов қилиш эмас, балки аҳолининг заиф қатламлари орасида виктимоген ҳолатларни эрта аниқлашдир.

Криминологик нуқтаи назардан «КОК» тармоғининг афзаллиги шундаки, жабрланувчилар кўпинча депортация қилинишдан кўрқиб (виктимологик кўрқув) расмий полицияга эмас, айнан мана шундай мустақил маслаҳат марказларига мурожаат қиладилар. Давлат эса ўз навбатида ушбу марказларни доимий молиялаштириш орқали жиноятнинг латентлик даражасини пасайтиришга эришмоқда⁸.

Хулоса ўрнида қайд этиш лозимки, Германиянинг одам савдосига қарши курашиш тажрибаси миллий криминология учун қуйидаги икки муҳим йўналишни имплементация қилишни тақозо этади: биринчидан, жиноятнинг иқтисодий илдизларини қирқиш мақсадида “эксплуатациядан фойдаланганлик (истеъмолчилик) учун” жавобгарлик институтини жорий этиш; иккинчидан, виктимологик кўрқувни бартараф этиш ва жиноятларни барвақт фош этиш учун давлат ва ННТларнинг марказлаштирилган ва молиявий қўллаб-қувватланадиган миллий платформасини яратиш.

Буюк Британия тажрибаси. Жаҳон криминологияси ва халқаро превенция амалиётида Буюк Британиянинг одам савдосига қарши курашиш модели мутлақо инновацион ёндашув — жиноятнинг

⁷ Strafgesetzbuch (StGB) — Немис жиноят кодекси. § 232a (Zwangsprostitution). // Манба: Германия Федератив Республикаси Адлия вазирлигининг расмий электрон базаси. URL: <https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>

⁸ KOK e.V. (Bundesweiter Koordinierungskreis gegen Menschenhandel). Data Report 2022: Trafficking in Human Beings and Exploitation in Germany. — Berlin, 2023. — P. 8-11.



олдини олиш жараёнига фақатгина давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларини эмас, балки йирик хусусий секторни ҳам бевосита профилактика субъекти сифатида мажбурий жалб этиши билан ажралиб туради.

Ушбу концептуал бурилиш 2015 йилда қабул қилинган “Замонавий қуллик тўғрисида”ги Актда ўз ифодасини топган. Мазкур ҳужжатнинг криминологик жиҳатдан энг муҳим ва дунё амалиётида биринчи марта қўлланилган институти — бу унинг 54-моддасида мустаҳкамланган “Таъминот занжирларида шаффофлик” қондасидир. Унга кўра, Буюк Британия ҳудудида фаолият юритувчи ва йиллик айланмаси 36 миллион фунт стерлингдан ошадиган ҳар қандай тижорат компанияси ўз товарлари ва хизматларини ишлаб чиқаришнинг ҳеч бир занжирида (*ҳатто у хомашёни учинчи дунё мамлакатларидан сотиб олаётган бўлса ҳам*) одам савдоси ва мажбурий меҳнатдан фойдаланилмаганлиги устидан доимий мониторинг олиб бориши ва ҳар йили очиқ ҳисобот бериши шарт⁹.

Бунинг натижасида компаниялар йирик жарималарга тортилиш ёки бозордаги обрўсидан айрилишдан (репутацион хавфдан) чўчиб, ўз таъминотчилари устидан хусусий ижтимоий назорат ўрнатмоқдалар.

Буюк Британия превентив моделининг иккинчи устуни — бу виктимизациянинг олдини олиш ва латентликни камайтиришга қаратилган Миллий йўналтириш механизми (National Referral Mechanism – NRM). Ушбу механизм доирасида Буюк Британия полиция қамоқхоналари ва миграция марказлари ўрнига, потенциал жабрланувчиларга дастлабки 45 кунлик “тикланиш ва мулоҳаза қилиш даври”ни кафолатлайди. Бу даврда жабрланувчи ҳар қандай депортациядан ҳимоя қилинади ва унга бепул бошпана, тиббий-психологик ёрдам кўрсатилади¹⁰. Криминологик нуқтаи назардан бу жуда муҳим: чунки жабрланувчи ўзини хавфсиз ҳис қилгандан сўнггина жиноятчилар (ёлловчилар) ҳақида тергов органларига қимматли маълумотларни бера бошлайди.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, Буюк Британиянинг иқтисодий-корпоратив превенция тажрибаси Ўзбекистон учун, айниқса, миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти ортиб бораётган (масалан, йирик тўқимачилик ва пахта-тўқимачилик кластерлари фаолияти кенгаяётган) бугунги шароитда миллий қонунчилигимизга йирик тадбиркорлик субъектлари учун “ўз фаолиятида ва ҳамкорлари тизимида мажбурий меҳнат ва одам савдосига йўл қўймаслик бўйича мажбурий ижтимоий аудит (комплаенс-назорат)” тизимини жорий этиш

⁹ Modern Slavery Act 2015. Chapter 30. (Part 6: Transparency in supply chains etc). – London: The Stationery Office, 2015. – P. 42-44.

¹⁰ UK Home Office. National Referral Mechanism Statistics: End of Year Summary 2022. – London: Home Office, 2023. – P. 12-15.



мақсадга мувофиқдир. Бу жиноятнинг иқтисодий илдишларини қирқишнинг замонавий усули ҳисобланади.

Франция тажрибаси. Жаҳон миқёсида одам савдосига қарши кураш моделларини таснифлашда Франция Республикасининг олдини олиш сиёсати ўзига хос радикал ҳамда инсон кадр-қимматини мутлақ ҳимоя қилишга қаратилган криминалогик ёндашуви билан ажралиб туради.

Франция превентив сиёсатидаги энг инқилобий ва криминалогик жиҳатдан муҳим бурилиш 2016 йилда қабул қилинган «Фоҳишалик тизимига қарши курашиш ва жабрланувчиларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Қонун орқали юз берди. Мазкур қонун орқали Франция Европадаги энг илғор виктимологик ёндашувлардан бири бўлган «Швеция модели»ни (*ёки Нордик модель*) ўзига тўлиқ имплементация қилди. Унга кўра, одам савдоси ва шахвоний эксплуатациянинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида истеъмолчиларнинг талаби эътироф этилади. Мазкур қонун фоҳишаликка жалб қилинган аёлларни жиноятчи (*ёки ҳуқуқбузар*) мақомидан чиқариб, уларни тўлиқ “жабрланувчи” мақомига ўтказди ва асосий жиноий ҳамда маъмурий жавобгарликни жиноий бозордаги талабни яратувчи субъектларга — мижозларга юклади¹¹. Шахвоний хизматлардан фойдаланган мижозларни йирик миқдордаги жарималарга тортиш ва

уларни мажбурий тарзда “одам савдосининг оқибатлари тўғрисидаги профилактик курслар”да ўқитиш орқали Франция жиноятнинг иқтисодий илдиши бўлган талабни сунъий равишда сўндирмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Франциянинг криминалогик тажрибаси одам савдосига қарши курашда эътиборни оқибатлардан (жиноятчиларни тутишдан) сабабларга (талабни йўқ қилиш ва инсон кадр-қимматини ҳимоя қилишга) қаратганлиги билан миллий қонунчилигимиз учун муҳимдир. Ўзбекистон жиноят қонунчилигида ҳам шахвоний эксплуатация хизматларидан фойдаланганлик учун жавобгарликни белгилаш одам савдосининг латент кўринишларини кескин камайтиришга хизмат қилади.

Швеция тажрибаси. Европа минтақасида одам савдосига қарши курашда ўзининг ғайриодатий ва ўта самарали криминалогик табиати билан Швеция тажрибаси (Нордик модель) яққол ажралиб туради. Қатор етакчи криминалог олимлар томонидан Скандинавия модели замонавий виктимологиянинг энг юқори чўққиси сифатида баҳоланади. Чунки ушбу давлат жаҳон амалиётида биринчилардан бўлиб (1999 йилдаёқ) одам савдосининг бош детерминанти ва иқтисодий негизи бўлган “талабни” кескин сўндиришга қаратилган радикал профилактик концепцияни жорий этган¹².

¹¹ Le Bail, H., & Giametta, C. What do sex workers think about the French Prostitution Act? A Study on the Impact of

the Law from 13 April 2016. – Paris: Médecins du Monde, 2018. – P. 21-25.

¹² Ekberg, G. The Swedish Law That Prohibits the Purchase of Sexual Services:



Швеция моделининг фундаментал криминалогик фалсафаси шундан иборатки, жиноий бозорда харидор (истеъмолчи) бўлмас экан, таклиф ўз-ўзидан барҳам топади. Мазкур концепция асосида Швеция Жиноят кодексига мувофиқ, инсон танасини эксплуатация қилиш орқали кўрсатиладиган хизматларни сотиб олганлик (мижоз бўлганлик) учун қатъий жиноий жавобгарлик ва қамоқ жазоси белгиланди. Бироқ, энг муҳим виктимологик ютуқ шундаки — хизмат кўрсатувчи (эксплуатация қилинаётган) шахс тўлиқ декриминализация қилинди (яъни ҳар қандай жиноий ва маъмурий жавобгарликдан озод этилди)¹³.

Бу орқали давлатнинг превентив сиёсати жабрдийдани жиноятчи ёки ҳуқуқбузар эмас, балки оғир ижтимоий вазият жабрдийдаи ва тўлиқ ёрдамга муҳтож шахс сифатида қабул қилди. Илмий таҳлилларга кўра, бундай иммунитет жабрланувчилардаги «виктимологик кўрқувни» (полициядан чўчиш ҳиссини) бутунлай йўқ қилди ва уларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари билан фаол ҳамкорлик қилишига йўл очди.

Ушбу моделнинг амалий-профилактик самарадорлиги халқаро

даражада тан олинган. Европа Кенгашининг Одам савдосига қарши курашиш бўйича экспертлар гуруҳи (GRETA) томонидан эълон қилинган ҳисоботларда таъкидланишича, ушбу виктимологик модел жорий этилгандан сўнг, Швецияда шахвоний эксплуатация мақсадидаги одам савдоси ва кўча фоҳишабозлиги кўрсаткичлари 50-60 фоизга кескин қисқарган¹⁴. Бундан ташқари, энг муҳим криминалогик натижа шу бўлдики, транснационал уюшган жиноий гуруҳлар Швецияни одам савдоси учун иқтисодий жиҳатдан “фойдасиз ва ўта хавfli бозор” сифатида баҳолаб, ўзларининг криминал логистикасини бошқа давлатларга буриб юборишга мажбур бўлдилар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Швеция тажрибаси миллий криминалогия фани учун ўта муҳим бир ҳақиқатни исботлайди: одам савдоси ва эксплуатациянинг латентлигини йўқ қилиш учун жабрланувчи жазоланиш кўрқувидан тўлиқ халос бўлиши шарт. Ўзбекистоннинг жиноят-ҳуқуқий сиёсатида ҳам Нордик моделнинг асосий элементларини — яъни, эксплуатациядан фойдаланувчи (мижоз) жавобгарлигини кучайтириш

Best Practices for Prevention of Prostitution and Trafficking in Human Beings. // Violence Against Women, 10(10), 2004. — P. 1187-1190.

¹³ Уголовный кодекс Швеции (Brottsbalken). Глава 6, Раздел 11 (в редакции Закона об охране женского мира / Kvinnofrid SFS 1998:408). // Манба: Швеция ҳукуматининг расмий ҳуқуқий базаси.

¹⁴ GRETA (Group of Experts on Action against Trafficking in Human Beings). Report concerning the implementation of the Council of Europe Convention on Action against Trafficking in Human Beings by Sweden. GRETA(2014)11. — Strasbourg: Council of Europe, 2014. — P. 34-38.



ҳамда жабрланувчининг декриминализациясини (жиноий ва маъмурий иммунитетни) қонунчиликка имплементация қилиш одам савдосига қарши барвақт профилактиканинг энг таъсирчан механизмига айланиши мумкин.

Япония тажрибаси. Осиё минтақасининг илғор давлатларидан бири бўлган Япониянинг одам савдосига қарши кураш тажрибаси мутлақо бошқача демографик ва криминологик манзарага эга. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Япония узоқ йиллар давомида Осиё давлатлари (Таиланд, Филиппин) ва Шарқий Европадан келувчи хотин-қизлар учун энг йирик “қабул қилувчи” давлатлардан бири бўлиб келган.

Бунда транснационал уюшган жиноий гуруҳлар (хусусан, Якудза синдикатлари) одам савдосини яширин йўллар билан эмас, балки қонуний “қўнгилочар соҳа визалари” ниқоби остида амалга оширганлар. Криминологик нуқтаи назардан бу ҳолат — давлатнинг миграция қонунчилигидаги бўшлиқлардан фойдаланиб, эксплуатацияни легаллаштириш ва ўта юқори латентликка эга бўлган структур виктимизация тизимини яратишнинг энг ёрқин мисолидир¹⁵.

¹⁵ Friman, H. R. Human Trafficking and the State in Japan. // *Asian Criminology*, 2011, No. 6(1). – P. 8-12. (Изоҳ: Якудза ва «қўнгилочар визалар» феноменининг криминологик таҳлилига бағишланган нуфузли илмий мақола)

¹⁶ Гараева М.А. Уголовно-правовые и криминологические меры борьбы с

Унга кўра, Япония криминологиясида жабрланувчининг “розилиги” тушунчаси қайта кўриб чиқилиб, вояга етмаганларни ҳатто уларнинг ўз ихтиёри ва розилиги билан бўлса-да сотиб олганлик ёки эксплуатацияга жалб қилганлик учун энг оғир жазо чоралари белгиланди. Бу эса виктимология назариясидаги “*боланинг розилиги юридик кучга эга эмас*” деган халқаро қонуннинг қатъий институционаллашуви эди¹⁶.

Япония моделининг энг асосий криминологик ва профилактик ютуғи — бу жиноятнинг иқтисодий детерминантларини йўқ қилишга қаратилган миграцион-криминологик назоратдир. Ҳукумат одам савдосининг олдини олишнинг асосий механизми сифатида Иммиграция назорати тўғрисидаги қонунни кескинлаштирди. Хусусан, хорижликларни ишга қабул қилувчи воситачи компанияларнинг молиявий айланмаси, устав капитали ва шартнома шартлари қатъий давлат аудитига олинди. Қонунчилик талабларига кўра, хориждан ишчи чақираётган компания камида маълум миқдордаги барқарор молиявий ресурсга эга бўлиши ва ишчининг барча ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаши шарт қилиб қўйилди¹⁷. Айнан мана шу маъмурий-иқтисодий филтр орқали

торговлей людьми (по материалам России и зарубежных стран). Дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 142-147.

¹⁷ US Department of State. Trafficking in Persons Report: Japan. – Washington, D.C., 2023. – P. 312-315. URL: [suspicious link removed]



Якудза синдикатларига тегишли бўлган юзлаб “сохта” воситачи компаниялар бозордан чиқариб юборилди ва қонуний ниқоб остидаги трафик каналлари узилди.

Шунингдек, Японияда виктимологик профилактикани кучайтириш мақсадида “Lighthouse” (Маяк) каби ихтисослашган нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат грантлари асосида фаолият юритмоқда. Ушбу ННТлар интернет маконида ёшларни шахвоний эксплуатация мақсадида ёллаш ҳолатларини барвақт аниқлаш, онлайн-маслаҳатлар бериш ва жабрланувчиларга аноним бошпана (шелтер) тақдим этиш каби муҳим профилактик функцияларни бажариб, давлат ва фуқаролик жамиятининг кучли ижтимоий шериклигини таъминламоқда.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, Япония тажрибаси меҳнат миграцияси жараёнларида воситачилик қилувчи хусусий бандлик агентликлари фаолиятини тартибга солиш қанчалик муҳимлигини кўрсатади. Ўзбекистоннинг кримнологик сиёсатида ҳам хусусий бандлик агентликларининг хорижга ишга юбориш фаолиятини лицензиялаш ва уларнинг молиявий-ҳуқуқий мажбуриятлари устидан қатъий рақамли аудит ўрнатиш одам савдосининг олдини олишдаги энг самарали институционал ечим бўлиб хизмат қилади.

МДХ давлатлари тажрибаси (Россия, Қозоғистон ва Белорус мисолида). Европанинг радикал моделлари ва Осиё минтақасининг

илғор тажрибаларидан сўнг, Ўзбекистон Республикаси учун тарихий, миграцион ва ҳуқуқий жиҳатдан энг яқин бўлган макон – Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) давлатлари тажрибасини таҳлил қилиш мантиқан мақсадга мувофиқдир. Мазкур минтақа давлатлари одам савдосига қарши курашда ҳам транзит, ҳам қабул қилувчи, ҳам донор давлат сифатида ўзига хос мураккаб кримнологик вазифаларни бажаради.

Минтақадаги энг йирик қабул қилувчи давлат бўлган Россия Федерацияси тажрибаси ва ундаги Россия Жиноят кодексининг 127.1-моддаси (Одам савдоси) ҳамда 127.2-моддаси (Қул меҳнатидан фойдаланиш) нормаларини қўллаш амалиёти шуни кўрсатадики, одам савдосининг энг катта кримнологик муаммоси бу – жиноятнинг ўта юқори латентлигидир.

Россиялик таниқли кримнолог Е.В. Тюрюканованинг тадқиқотларида асослаб берилганидек, меҳнат мигрантларининг нолегал статуси ва уларнинг ҳуқуқий ҳимоясизлиги криминал бозор учун энг қулай виктимоген шароитни яратади. Аксарият ҳолларда нолегал статусга эга бўлган жабрланувчилар депортация қилинишдан ёки маъмурий қамоққа олинишдан қўрқиб давлат ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилишдан ўзларини тиядилар ва жиноятчиларга



қарамликда қолаверадилар¹⁸. Бу эса соф жазоловчи чораларнинг ўзи транснационал жиноятни фош этишда етарли эмаслигини исботлайди.

Бундай мураккаб миграцион шароитда Қозоғистон Республикаси тажрибасидаги илғор институционал ечим – давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги “Ижтимоий шериклик” механизми ўта диққатга сазовордир. Қозоғистон криминологик сиёсатида Ички ишлар вазирлиги фақатгина жиноятни фош этиш ва тергов қилиш билан шуғулланади. Жабрланувчиларни барвақт аниқлаш, уларга бошпана бериш, психологик ва юридик реабилитация қилиш функциялари эса тўлиқлигича Давлат ижтимоий буюртмаси (грантлари) асосида Нодавлат нотижорат ташкилотларига (ННТ) ўтказилган¹⁹.

Қозоғистонлик олимларнинг таҳлилларига кўра, нолегал мигрантлар ёки шахвоний эксплуатация жабрдийдалари формал кийинган полиция ходимларидан кўра, анонимликни кафолатловчи ННТларга (Кризис марказларига)

кўпроқ ишонадилар. Қозоғистон ҳукумати айнан мана шу криминологик ҳақиқатни тан олган ҳолда, жабрланувчиларга мўлжалланган бошпаналарни бевосита давлат бюджетидан молиялаштириш орқали жиноятнинг латентлик даражасини кескин пасайтиришга эришди²⁰.

МДҲ маконида одам савдосининг олдини олишда энг муваффақиятли институционал превенция моделларидан бири Беларусь Республикасида шаклланган. Беларусь модели жиноятнинг оқибатлари билан эмас, балки бевосита унинг детерминантлари – яъни ёллаш ва хорижга олиб чиқиш босқичи билан курашишга (барвақт профилактикага) қаратилган. Беларусь қонунчилигига кўра, фуқароларни хорижга ишга жойлаштириш, турли моделлик агентликлари, кастинглар ҳамда халқаро танишув (никоҳ) агентликларининг фаолияти устидан ўта қатъий давлат назорати ва лицензиялаш тартиби ўрнатилган²¹. Криминология нуқтаи назаридан бу –

¹⁸ Тюрюканова Е.В. Принудительный труд в современной России: нерегулируемая миграция и торговля людьми. – М.: МОТ, 2004. – С. 45-48.

¹⁹ Закон Республики Казахстан от 12 апреля 2005 года № 36 «О государственном социальном заказе, грантах и премиях для неправительственных организаций в Республике Казахстан». // Информационно-правовая система нормативных правовых актов РК (Әділет). URL:

<https://adilet.zan.kz/rus/docs/Z050000036>

²⁰ Ханов Т.А., Биржанов К.К. Противодействие торговле людьми в Республике Казахстан: криминологические и виктимологические аспекты. // Вестник Карагандинского университета. Серия Право. – 2018. – № 2. – С. 55-59.

²¹ Закон Республики Беларусь от 7 января 2012 г. № 350-З «О противодействии торговле людьми». (Глава 3. Предупреждение торговли людьми). // Национальный правовой



потенциал жабрланувчиларни транснационал жиноий гуруҳларнинг қонуний ниқоб остидаги тузоқларидан ҳимоя қилувчи энг мустаҳкам маъмурий-ҳуқуқий қалқон ҳисобланади.

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкинки, МДХ давлатларининг ушбу тажрибаси миллий

қонунчилигимизни такомиллаштириш учун қуйидагиларни тақозо этади: *биринчидан*, Россия тажрибасидаги хатоларни такрорламаслик учун жабрланувчиларга

“декриминализация қилувчи иммунитет” бериш орқали уларнинг виктимологик қўрқувини йўқ қилиш; *иккинчидан*, Қозоғистон тажрибаси асосида виктимологик профилактика ва реабилитация функцияларини давлат буюртмаси асосида тўлиқ ННТларга ва Маҳалла институтига ўтказиш; *учинчидан*, Беларусь тажрибасидан келиб чиқиб, интернетдаги турли сохта эълонлар, хорижга ишга ва ўқишга юборувчи хусусий бандлик агентликлари устидан қатъий маъмурий-криминологик назорат ўрнатиш.

АҚШ, Европа Иттифоқи (Германия, Буюк Британия, Франция, Швеция), Осиё (Япония) ҳамда МДХ давлатларининг (Россия, Қозоғистон, Беларус) одам савдосига қарши курашдаги жиноят-ҳуқуқий, процессуал ва виктимологик моделларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида, миллий қонунчилигимиз

ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиётимизни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқувчи қуйидаги инновацион таклифларни (илмий янгиликларни) илгари сурамиз:

биринчидан: АҚШнинг “Одам савдоси жабрдийдаларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Акти доирасида қўлланиладиган энг таъсирчан **виктимологик рағбатлантириш механизми** — махсус ҳимоя статуси («Т-Visa» аналог) институтини миллий қонунчиликка жорий этиш. Бунда, Ўзбекистон ҳудудида одам савдоси жабрдийдасига айланган хорижий фуқароларга ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга (ёхуд хориждан қайтарилган ўз фуқароларимизга), агар улар транснационал жиноий гуруҳларни фош этишда тергов органлари билан ҳамкорлик қилсалар, уларни депортация қилмасдан, вақтинчалик қонуний яшаш ва меҳнат қилиш ҳуқуқини берувчи махсус мақом тақдим этиш.

Иккинчидан: Скандинавия (Швеция) ва Европа (Германия, Франция) моделларининг энг илғор криминологик ютуғи бўлган **“талабни криминализация қилиш”** концепциясини миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилиш. Яъни, жиноятнинг асосий иқтисодий детерминантини йўқ қилиш мақсадида, шахснинг одам савдоси жабрдийдаси эканлигини била туриб, унинг шахвоний ёки меҳнат хизматларидан



фойдаланганлик учун жавобгарликни белгилаш. Шу билан бир вақтда, жабрланувчининг ўзини ҳар қандай жиноий ва маъмурий таъқибдан озод қилувчи **“декриминализация қилувчи виктимологик иммунитет”** нормасини қатъий мустаҳкамлаш (бу жабрланувчилардаги полициядан ва депортациядан чўчиш қўрқувини йўқ қилиб, жиноятнинг латентлигини кескин пасайтиради);

Учинчидан: Буюк Британиянинг “Замонавий қуллик тўғрисида”ги Акти тажрибаси асосида **иқтисодий-корпоратив превенция** институтини жорий этиш. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти ва йирик саноат кластерлари тармоғи кенгаётганлигини инобатга олиб, миллий қонунчиликда йирик тижорат ва ишлаб чиқариш компаниялари учун ўз таъминот занжирларида мажбурий меҳнат ва одам савдосига йўл қўймаслик бўйича **мажбурий ижтимоий аудит (комплаенс-назорат)** ва **очиқ ҳисобдорлик** тизимини ўрнатиш. Ушбу механизм одам савдосининг макроиқтисодий илдизларини маҳаллий ва глобал даражада қирқишга хизмат қилади;

Тўртинчидан: Япония ва Беларусь Республикаси тажрибасига таянган ҳолда, транснационал жиноий гуруҳларнинг қонуний ниқоб остидаги (*меҳнат миграцияси ва қўнғилочар соҳа*) фаолиятига чек қўювчи миграцион-криминологик назоратни кучайтириш. Бунинг учун хорижга ишга ва ўқишга юбуровчи хусусий бандлик агентликлари, тур фирмалар, шунингдек, интернетдаги

кастинг ва халқаро танишув агентликлари фаолиятини қатъий лицензиялаш, уларнинг молиявий ресурслари ва шартномавий мажбуриятлари устидан доимий **рақамли аудит ўрнатиш** тизимини шакллантириш;

Бешинчидан: Германия (КОК тармоғи) ва Қозоғистон давлатларининг илғор ижтимоий шериклик тажрибасини миллий амалиётга жорий этиб, виктимологик профилактика оғирлик марказини давлат ҳуқуқ-тартибот органларидан **фуқаролик жамияти институтларига** кўчириш. Жабрланувчиларни барвақт аниқлаш, уларга аноним бошпана (шелтер) бериш ва виктимологик реабилитация қилиш функцияларини тўлиқлигича Давлат ижтимоий буюртмаси (грантлари) асосида мустақил **Нодавлат нотижорат ташкилотларига (ННТ) ва Маҳалла институтига** ўтказиш;

Олтинчидан: Франция тажрибасидан келиб чиқиб, одам савдосига қарши курашда идоралараро таҳлилий-профилактик марказлашувни яратиш. Жабрланувчиларни мамлакат ҳудудига кириб келмасдан (ёки чиқиб кетмасдан) туриб, транзит босқичидаёқ аниқлаш мақсадида миграция, чегара ва тезкор-қидирув органларининг маълумотлар базаларини бирлаштирувчи ҳамда халқаро ташкилотлар билан интеграциялашган **ягона таҳлилий-рақамли платформани** шакллантириш лозимлиги илмий асосланди.